БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 26 декабрь
Чоршанба
№ 247 (13.683).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ССЖИ халқ депутатларининг IV съездида

Ҳашар йўли билан қурилган уй бегона бўлмайди

МОСКВА, 24 декабрь. ЎзТАГ махсус мухбири А. БАРАНОВ хабар қилади:

Кремлда ССЖИ халқ депутатлари съезди ишининг иккинчи ҳафтаси бошланди. Бу ҳафта ҳам бундан буён қандай яшаймиз, деган ташвишли ўй-хаёллар билан бошланди. Мамлакат тақдирини ҳал этувчи қарорлар учун овоз берилаётганда ҳис-туйғулар устун келадими ёки ҳар қалай, ақл-идрок ғолиб чиқадими?

Бугун эрталаб бўлган мажлисда кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинди: давлатимиз бундан буён ҳам «ССЖИ» деб номланаверади. Энди ушбу принципиал қарорни ҳар бир халқнинг, ҳар бир инсоннинг — буюк ягона мамлакат фуқаросининг оғишмай ривожланишини ҳамда гуллаб-яшнашини таъминлайдиган чуқур ва теран мазмун билан бойитиш керак.

Мана шу хусусда ҳозирча якдиллик сезилмаяпти. Ўтказилган тез сўраб билишнинг съезд социология хизмати бу ерда тарқатган натижаларига кўра, фикри сўралганларнинг 52,7 фоизи жумҳуриятлар иттифоқи истиқболда шубҳасиз сақлаб қолинишини қўллаб-қувватламоқда, 26,6 фоизи эса шундай иттифоқнинг зарурлигини инкор этиб, ҳатто унинг бўлиниб кетишини тахмин қилмоқда. Фикри сўралганларнинг қолганлари ҳали бир тўхтамга келмаган ёки хилма-хил нуқтаи назарларни билдирмоқда.

Ўзбекистонлик депутатларнинг позициясига келганда эса, уларнинг бирортасидан ҳам халқларимизнинг янги иттифоқ шартномасига асосланган бирлигини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги хусусида шубҳа-гумон эшитишимга тўғри келмади.

— Бизнинг юртимизда деҳқонлар ўртасида янги уйни ҳашар билан қуриш қадимдан одат, — деди Ўзбекистон ноҳиясидаги «Ғаниобод» давлат хўжалигининг бригада бошлиғи Салмонжон Ҳақназаров. — Бундай ҳашарда иштирок этганлар учун қўшнисининг уйи ҳеч қачон бегона бўлмайди. Бизнинг давлат хўжалигимиз байналмилал хўжалик. Бу ерда ўзбеклар, руслар, греклар бошқа миллатларнинг вакиллари ёнма-ён яшаб келишмоқда. Биз кимнинг қайси миллатга мансублигини ҳеч суриштирмаганмиз — яхши инсон бўлса бўлгани деганмиз. Ҳозир ҳам ҳеч ким одамларни миллатига қараб фарқламайди, ҳаммамиз бирга яшаб, бирга ишлаяпмиз. Ўтган йили беш юз гектар ерни томорқа учун ҳаммага баравар тақсимладик, ҳеч кимни хафа қилмадик.

Шунинг учун одамларнинг кайфияти ҳам, улар меҳнатининг натижалари ҳам яхши. Албатта, қўрғонга қамалиб яшаётганимиз йўқ, теварак-атрофда нималар бўлаётганини кўриб турибмиз. Ўша ўзимизнинг Фарғона водийсида юз берган воқеаларни эслашнинг ўзи кифоя... Лекин бу воқеалар бизнинг хўжаликдаги миллатлараро муносабатларга таъсир ўтказа олмади — илгари бир-биримизга қанчалик ишониб яшаган бўлсак, ҳозир ҳам шундай яшаяпмиз. Бундан буён ҳам ҳамиша шундай яшаймиз, бизнинг хўжаликда ҳам, бутун мамлакатда ҳам шундай яшаймиз деб умид қиламан. Мен оддий бир деҳқонман, холос, балки бирор нарсани англаб етмаётгандирман, лекин шуни аниқ биламанки, биз бир-биримизга жуда кераkmиз.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлар бригадасининг бошлиғи, ҳозир мамлакат Олий Кенгашининг аъзоси А. А. Коршунов бу нуқтаи назарга тўла қўшилди:

— Бизнинг корхонамиздаги ишлаб чиқариш бутун мамлакатнинг турли бурчакларидаги икки ярим мингдан зиёд корхонанинг етказиб берадиган маҳсулоти билан боғлиқ. Агар шулардан бирортаси арзимаган резина прокладка етказиб беришни кечиктирса, ўн минглаб одамлар меҳнати билан бунёд этилган қанотли улкан машина осмонга кўтарила олмайди, бефойда металл уюми бўлиб ерда ётаверади.

Мен мустақиллик тарафдориман — бу ажойиб нарса, принцип жиҳатдан янги асосда тузиладиган иттифоқ шартномаси имзоланишини тўла қўллаб-қувватлайман. Лекин то бу ҳужжат имзолангунича эски хўжалик алоқалари сақлаб турилиши ва ҳимоя қилиниши лозим. Акс ҳолда биз ақл бовар қилмайдиган даражадаги тартибсизликка, ўта чигалликларга дуч келамизки, бунинг оқибатлари қандай бўлишини мутлақо билиб бўлмайди. Яна шунга мутлақо аминманки, ҳозирги амалдаги қонун, у хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, бошқа қонун қабул қилмагунимизча ҳамма жойда сўзсиз бажарилиши керак. Ҳозирги Конституциямизга турли муносабатда бўлиш мумкин, лекин ҳозирча шундан бошқаси йўқ. Ўз Конституциясини ҳурмат қилмасдан эса бирорта ҳам давлат мавжуд бўлолмайди. Айниқса, агар у ўзини ҳуқуқий давлат сифатида кўрмоқчи бўлса.







Москва. Кремль. ССЖИ халқ депутатларининг IV съездида.
Суратлар муаллифи: Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзТАГ).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУВЕРЕН ЖУМҲУРИЯТЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН ФЕДЕРАЦИЯСИ СИФАТИДА ССЖ ИТТИФОҚИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди номма-ном овоз бериш йўли билан **қарор қилади:**

Тенг ҳуқуқли суверен жумҳуриятларнинг ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўкис таъминланадиган янгиланган федерацияси сифатида ССЖ Иттифоқини сақлаб қолиш зарур деб ҳисоблансин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 24 декабрь.

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ НОМИ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди номма-ном овоз бериш йўли билан **қарор қилади:**

Совет давлатининг Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи номини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватлансин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 24 декабрь.

ЕРГА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ССЖИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

1. Ҳар бир жумҳуриятда овоз бериш натижаларини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик тўғрисида ССЖИ референдуми ўтказилсин.

2. Умумхалқ овоз бериш вақтини ва ССЖИ референдумини ўтказишни таъминлаш чораларини белгилаш ССЖИ Олий Кенгашига топширилсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 24 декабрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ССЖИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Меҳнаткашларнинг ССЖ Иттифоқи тақдири тўғрисида ташвиш билдирилган жуда кўп мурожаатлари муносабати билан ҳамда ягона иттифоқ давлатини сақлаб қолиш давлат турмушининг энг муҳим масаласи бўлиб, у Совет Иттифоқидаги ҳар бир кишининг, бутун аҳолининг манфаатларига дахлли эканлигини ҳисобга олиб, ССЖИ халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

1. Тенг ҳуқуқли суверен Совет Социалистик Жумҳуриятларининг федерацияси сифатида янгиланган иттифоқни сақлаб қолиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ССЖИ референдуми ўтказилсин, овоз бериш натижалари ҳар бир жумҳуриятда алоҳида ҳисобга олинсин.

2. Референдум ўтказиш вақтини ва уни таъминлаш чораларини белгилаш ССЖИ Олий Кенгашига топширилсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 24 декабрь.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҚИШКИ ЮМУШЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ деҳқонлари суғориладиган ерларда етиштириладиган бошоқли экинлар майдонини қарийб икки баравар кўпайтириш ниятидалар. Бу эса қўшимча дон ва ем олишда жуда қўл келади.

Гап шундаки, бутун куз фасли ва қиш бошланиши олдида ҳавонинг қуруқ келганлиги лалми ерлардаги кузги экинларга салбий таъсир кўрсатди. Бошоқли экинлар яккам-дуккам ўсиб чиқмоқда. Бундай шароитда суғориладиган ерларда ғалла майдонларини кенгайтиришга қарор қилинди.

Вилоят пахтакорлари эса ўз юмушлари билан банддирлар. Улар ҳозир далаларда ариқ тортишга киришдилар, баҳор фаслида бу ерларга чигит экилади.

* * *

«СУРХОН» давлат хўжалигининг Ш. Мирзаев бошлиқ бўлими деҳқонлари янги қишлоқ хўжалик йилига экин майдонларини тайёрлаш борасидаги барча ишларни ниҳоясига етказдилар. Бу ерда жуда қисқа муддат ичида ерни ҳайдаб бўлдилар, далаларга маҳаллий ўғит солдилар ва ҳамма ерда ариқ тортдилар.

Алмашлаб экиладиган далаларнинг меҳнаткашлари ҳам бу ишларни тугаллашмоқда. Хўжалик механизаторлари икки сменали тинимсиз иш усулини ташкил этганликлари сабабли иш унумли бўлмоқда. Далалардан ғўзапояни майдаловчи механизмлар чиқиб кетиши биланоқ, бу ерда гўнг сочадиган қурилмалар ва ҳайдов тракторлари пайдо бўлади.

Механизаторлар махсус коржома билан тўла таъминланганлар. Улар уч марта иссиқ овқат истеъмол қиладилар. Сифатли ҳайдалган ҳар гектар ер учун уларга 12 сўмдан пул тўланаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

Маҳаллий саноат Хоразм вилоят бошқармаси кейинги бир ярим йил ичида 800 дан ортиқ кишини иш билан таъминлади. Вилоят шаҳарлари ва ноҳияларида халқ истеъмоли моллари, совға-салом буюмлари ишлаб чиқарадиган, аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган саноат комбинатлари ишга туширилди.

Масалан, Шовот ноҳия саноат комбинатининг маҳсулотлари — аёллар халати, нимчалар, кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшабларга талаб катта бўлмоқда. Ундан ортиқ устки трикотаж кийим ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Гурлан ноҳия саноат комбинати жамоаси мижозларга автомобиль хизмати кўрсатмоқда, қурилиш-монтаж ишларида ёрдам бермоқда. Бу ерда барча буюртмалар юқори сифатли қилиб бажарилади ва энг муҳими шундаки, келишилган аниқ муддатда адо этилади.

Маҳаллий саноат янги корхоналари мунтазам равишда кенгайиб бормоқда, уларга юқори малакали мутахассислар бош бўлишди. Янги бўлинмаларнинг ходимлари ишлаб топилган фойда ҳисобидан ишлаб чиқариш биноларини қуришмоқда, дастгоҳлар ва механизмлар сотиб олишмоқда. Янги йилдан ҳар бир ноҳия, саноат комбинати бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни режалаштирмоқда.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон бўйлаб

ДУШАНБЕ. Тожикистон ССЖ давлат хавфсизлиги қўмитасида жамоатчилик билан алоқа боғлайдиган бўлим ташкил этилди. Маҳаллий матбуотда янги бўлим телефон рақамлари эълон қилинди, жумҳуриятнинг ҳар қандай фуқароси ана шу телефон рақамлари орқали чекистларга савол бериши мумкин. Аҳолини шу йилнинг февралида Душанбеда рўй берган ур-йиқитларнинг ташкилотчилари қандай қилиб аниқланаётгани, ижтимоий-сиёсий вазият қандай эканлиги, шунга ўхшаш бошқа хабарлар қизиқтирмоқда. Муқобил алоқалар ҳам йўлга қўйилмоқда. Талон-тарож қилувчилар, чайқовчилар, бузғунчилар ҳақида маълумотга эга бўлган кишилар бу ерга қўнғироқ қилиб туришибди. Тожик чекистлари ўз фаолият доирасини кенгайтираётган ҳозирги пайтда бундай ахборот ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди.

АШХОБОД. Туркманистон деҳқонлари кечки сабзавот экинларини йиғиштириб бўлдилар. Жумҳурият дўконларига 300 минг тоннага яқин карам, сабзи, пиёз ва бошқа сабзавотлар келтирилди. Бу йил асосан оила ва ижара пудратида ишлаётган сабзавоткорлар маҳсулотлар хилини кўпайтирдилар, одатдаги сабзавотлар ёнига лавлаги, турп, шолғом қўшилди. Илгари чигит экилиб келинган суғориладиган майдонларни камайтириш ҳисобидан полизлар кенгайтирилмоқда. Бу эса жумҳуриятнинг ҳар бир хўжалигида сабзавот далалари бўлишига, аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради.

АКТЮБИНСК. Энг яхши келин унвони учун ўтказилаётган қозоқ миллий мусобақаси авлод-аждодларнинг энг яхши анъаналаридан бирини қайта тиклашга даъват этилган. Октябрьск шаҳри Маданият уйида ана шу одатдан ташқари «Келинлар синови» беллашувининг қатнашчилари ҳақиқий қозоқ келинлари унвонини олиш учун қаттиқ курашдилар. Даъвогарлар ўзлари ва ўз оилалари тўғрисида шеърий сатрлар билан ҳикоя қилишлари, чарх йигириш санъатини намойиш этишлари, алла айта билишлари ва миллий таомларни тайёрлашлари керак эди. Келинлар, шунингдек, қозоқ адабиёти ва санъатини билишда ҳам беллашишлари лозим эди. Фарида Саришева, Қуаниш Ракишева ва Алима Ниёзбековалар мусобақада ғолиб чиқишди. Ачисой ўрта мактаб муаллимаси Оқпоша Изтурғунова томошабинлар меҳри совринига эга бўлди.

(ТАСС мухбирлари хабарларидан)

Шу сонга хабар

«Жавонони Тожикистон» 60 ёшда

Қардош Тожикистон йигит ва қизларининг севимли нашри «Жавонони Тожикистон» рўзномаси 60 ёшга тўлди. Бу йиллар ёшлар нашри учун чиниқиш ва кураш йиллари бўлди. Рўзнома тахламларини варақласангиз жумҳуриятнинг тараққиётига катта улуш қўшган ва ҳозир ҳам қайта қуришнинг олдинги сафларида бориб, халқ хўжалиги тараққиётига салмоқли улуш қўшаётган ёш авлоднинг фаоллари ҳақида туркум мақолаларни ўқишингиз мумкин. Бугунги кунда муштарийлар ўткир муаммоли чиқишлари учун ёшлар нашрини ғоят қадрлайдилар.

Биз «Ёш ленинчи» ижодий жамоаси ва ярим миллиондан ортиқ муштарийлари «Жавонони Тожикистон» қалам аҳлини муборак 60 йиллик тўйлари билан қизғин қутлаймиз.

* * *

Бу йил Бутуниттифоқ инженерлик академияси ташкил этилди. Шу йил декабрь ойида инженерлик академиясига сайлов бўлиб ўтди. Ўтган сайловда Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **Восил Қобулович ҚОБУЛОВ** ҳақиқий аъзоликка, шу бирлашма бош директори муовини, техника фанлари доктори, профессор **А. МЎМИНОВ** мухбир аъзоликка, Тошкент машинасозлик институти ректори, техника фанлари доктори, профессор **Н. Р. ЮСУПБЕКОВ**, «Қурилиш» илмий-тадқиқот институти директори, техника фанлари кандидати **Н. АББОСХОНОВ**, жумҳурият Фанлар академияси энергетика ва автоматика институти директори техника фанлари доктори, профессор **Р. А. ЗОҲИДОВ**, Самарқанд архитектура-қурилиш институти кафедра мудири, жумҳурият фанлар академияси мухбир аъзоси **Т. ШИРИНҚУЛОВ**лар инженерлик академияси мухбир аъзолигига сайландилар.

21—22 декабрда Москвада инженерлик академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди ва унда Устав қабул қилинди.

Олимпиа қўмитасининг янги мақоми

«ЖАМОАТ бирлашмалари тўғрисида»ги ССЖИ қонунини бажариш мақсадида Иттифоқ ҳукуматининг қарорига биноан ССЖИ Олимпиа қўмитаси ССЖИ Давлат спорт қўмитаси қарамоғидан чиқарилди. Бу мазкур ташкилот фаолиятининг ижтимоий руҳига ва олимпиа ҳартиясининг қоидаларига мос бўлиб тушади.

ССЖИ Олимпиа қўмитасига, жумладан унинг мақсад ҳамда вазифаларига мос келадиган ташқи иқтисодий фаолиятни бевосита амалга ошириш, халқаро спорт алоқаларини ривожлантириш йўлида маблағларидан фойдаланадиган валюта жамғармасини ташкил этиш, спортчиларни Олимпиа ўйинларига тайёрлаш ва унинг низомида назарда тутилган бошқа мақсадларни рўёбга чиқариш ҳуқуқи берилади.

Президент рождествони Антарктидада байрам қилади

АРГЕНТИНА Президенти Карлос Менем рождество кечасини Антарктиданинг абадий музликлари орасида... ўтказади. У тропик ёзи айни қизиган чоғида «Оқ қитъага» — ўз ватандошлари ҳузурига йўл олди. Бу ерда, Аргентина илмий станцияси билан ҳарбий-ҳаво кучларининг «Вице-коммодор Марамбио» базасида Антарктиданинг оғир шароитида Президентнинг ватандошлари ўз хизмат бурчларини адо этишмоқда.

ТЕЛАМ ахборот бошқармасининг уқтиришича, Карлос Менем рождествони жанубий қутб яқинида байрам қиладиган Аргентинанинг биринчи Президенти бўлади.

Командирдан хат келди

АРМИЯ деса бугунги кунда кўпчиликнинг кўнглига хавотир тушиши сир эмас. Кейинги пайтда бот-бот эълон қилинаётган ташвишли хабарлар бизни шунга мажбур қилмоқда. Таҳририятимизга ҳамюртларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмлардан турли мавзуларда хатлар келиб турибди. Лекин яширишнинг ҳожати йўқ, уларнинг аксарияти армиядаги кўнгилсизликлар, хатоликлар ҳақида. Қўлимиздаги ушбу мактуб эса бунинг акси.

Тошкентлик Учқун Исмоилхўжаев ўғли хизмат қилаётган қисм командиридан миннатдорчилик хати олди.

«Сизга шуни мамнуният билан билдирмоқчиманки, қисмимизда хизмат қилаётган ўғлингиз Ҳамидулла Исмоилхўжаев ҳарбий интизомга риоя қилган ҳолда Ватанимиз хавфсизлигини муносиб ҳимоя қилмоқда. У жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси ва барча қуролдошларига ўрнак бўлаяпти.

Қисм командирлиги мард ва уддабурон Ватан ҳимоячисини тарбиялаганингиз учун сизларга қизғин ва самимий миннатдорчилик билдиради.

Самимий салом билан:


ХАРЛАНОВ,
бўлинма командири».



Сиёб ноҳиясидаги дори-дармон ишлаб чиқариш корхонасининг 197-дорихонаси вилоятда ягона ҳисобланади. Бу дорихона 20 дан ортиқ касалхоналарни инникция учун ишлатиладиган дорилар билан узлуксиз таъминлаб туради. Ушбу (осма укол) дориси ҳам шу дорихонада тайёрланмоқда.

СУРАТДА: дори қадоқловчи комсомол қиз Насиба Пардаева иш устида.

Ғ. АЛИЕВ сурати.



ҚИСМАТ

БУХОРОЛИК ТЕША НЕЪМАТОВНИ ҚАНДАЙ ҚАТАҒОН ҚИЛИШГАНДИ?

...1939 йил. Узоқ Шарқ ҳудудида изғиринли қиш ҳукмрон. Аҳлоқ тузатиш меҳнат лагерлари бошқармаси маҳкамаси қаршиси тиконли сим тўсиқлар билан ўралган бараклардан бирига қоравулда келган, баланд бўйли қотма йигитни итариб киритишади. Эгнида маҳбусларга бериладиган ва кўкрагига рақам ёпиштирилган ёрлиғли кийим, бошида — қора телпак. Ранги сўлғин, кўзлари қорайиб кетган. Оёқлари мажолсиз.

— Мана, қабул қилиб олинглар, — деди уни судраб кирган назоратчи. Сўнг заҳарханда билан қўшиб қўйди. — Ўзбек босмачиси. Шўрога қарши ташкилот тузиб, ҳокимиятни ағдаришга уринган Ўрта осиёлик газанда. Исми Тиш-шe, фамилияси Нигмат-Курбаш!...

Назоратчи кулганича, йигитни бахтиқаролар қаршисида қолдириб, эшикни қарсиллатиб ёпди. Барак ичи анча совуқ. Маҳбуслар қалтирашиб ўтиришар, шипдаги симтўр ортидан электр ёруғи ичкарини базўр ёритарди.

Кимдир унга яқин келиб, орқасидан юришга имо қилиб, сўрилар қатори орасидан бошлаб ўтди ва бўш жойни кўрсатди. «Ўртаосиёлик газанда» ўта хомуш ва бетоб эди. «Уф-ф» тортганича жойига чўкди. Ингрангандай бўлди. Атрофига маъносиз боқди. Сўнг ҳаракатсиз, бир нуқтага тикилганича узоқ вақт жим қолди. Тунука косадаги кечки овқат ҳам совиб қолганди. Бус-бутун хаёли уни кечаги кунига олиб кетди...

НКВД томонидан 1939 йилда «бунёд» этилган 22892 сонли жиноят иши вақт ўтиши билан сарғайиб, титилиб кетган. Турли справкалар, гувоҳ ва гумондорларнинг тергов савол-жавоблари. Орадан 52 йил ўтган бўлишига қарамасдан бу қоғозлар ноҳақликлар ҳақида гувоҳлик бериб турибди.

Теша Неъматов — 1901 йилда Бухоро вилоятининг Қизилтепа ноҳиясига қарашли Зарминтон қишлоқ шўросига Руҳобод қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилади. Отасининг озгина ери, бир бош ҳўкизи ва сигири бўлган, холос. Оилада бешта жон, уларни боқиш, едириш-кийинтириш учун томорқадан келадиган даромад камлик қилади, албатта. Шу боис оила соҳиби — бухоролик Дўндорбой хонадонига ёрдам бериб, қўшимча даромад топарди. Теша 7 ёшга кирмасдан отаси қазо қилди. Болалар кўча ҳатламаган оналари билан етим қолишди.

1920 йил. Бухорода инқилоб шамоли эса бошлади. Файзулла Хўжаевнинг номи ҳамманинг тилига тушган пайтлар. Бахтли ҳаётга умид билан кўз тикиб юрган Теша Вангазида ташкил этилган фавқулодда комиссияси маҳкамасига ишга кириб борди. ЧК бошлиғи Тешавойни югурдак-фаррош қилиб ишга олди. Шу йўл билан синовдан ўтказди. Унинг ҳалол ва поклигига имони комил бўлгач, Бухорода очилган олти ойлик кичик қизил командирлар тайёрлаш курсига тавсиянома ёзиб берди.

Бир йил Неъматов ана шу курсларда таълим олади. Лекин рус тилини ёмон билганлиги, мутлақо саводи бўлмаганлиги сабабли гувоҳнома ололмайди. Уни ҳарбий аскар қилиб ўтказишади. Жасур жангчи аксилинқилобчи кучларга қарши курашда иштирок этди. Кермана, Ғиждувон, Қалқон-ота, Нурота, Конимех, Хатирчи атрофларидаги Қаҳҳор Қўрбоши, Ҳайдар Полвон, Разоқ Қўрбоши галалари билан бўлган олишувларда фаол бўлди.

1922 йилда Хатирчи қишлоғидаги Теша Неъматов хизмат қилаётган отряд шу ноҳия милицияси билан қўшилади. Бухоро жумҳурияти ҳарбий ишлар нозири Орипов ва унинг ўринбосари Толибзода қўшма отрядга командирликни ўз қўлларига олишади. Бир қанча вақт ўтгач, Орипов жангчиларни тўплаб, шўроларга қарши курашиш учун босмачилар тарафига ўтганлиги маълум бўлади. Теша ҳайрон. Бўлаётган воқеаларнинг моҳиятига ақли етмайди. Унга шўро ҳокимияти ер берди. Уйланишга имкон яратди. Уй қуришга ёрдамлашди. Хотини Турсунбуви унинг йўлига кўз тикиб ўтирибди.

У пайт пойлаб, қоронғи кечада 3-4 ҳамфикр ўртоқлари билан қочиб кетди. Дастлаб хотинини ва қизчасидан хабар олди. Сўнг Вангазидаги ЧКсига борди. Бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай гапириб берди. Тешанинг ҳикояси тугагач, уни қамоққа олишга буйруқ беришади. Тергов уч ой давом этди. Ниҳоят унинг айбсизлиги аниқланиб, озод қилинади. Яна қизил аскарлар сафидан ўрин олиб, чекистлар отрядида хизмат қила бошлайди. 1927 йилда ВКП (б) сафига киради.

1933 йилларда Когонда, 1934 йилда Фарғона водийсида, 1935 йилда Сурхондарё воҳасида савдо ва тайёрлов идораларида раҳбарлик вазифаларини бошқарди. 1936 йилнинг охирларида Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти матлубот жамияти раиси сифатида эл хизматига тушади.

1937 йил. Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовлар «халқ душмани» сифатида қамоққа олинади. Бу даврда сиёсат бамисоли қўғирчоққа айланганди. Қамоққа олиш авжига чиқади. Ким кўпроқ «халқ душмани»ни қамаса, ўша қаҳрамон!

Малиновский, Штейн, Мельников, Троцкий, Кузнецов, Литвин, Стасин, Ҳамидов каби давлат хавфсизлиги «жонкуяр»лари Теша Неъматовга қарши ҳужжат тўплайдилар. Кўп ўтмай қуйидаги айбнома «туғилади»: «Амир даврида бой савдогар оиласидан бўлган катта мулла Теша Неъматов 1920 йилда кўпорувчилик қилиш мақсадида ЧКга суқилиб, аксилинқилобий кучлар ёрдамида Қизил Армияга кирган. Орипов отряди билан босмачилар тарафига ўтган. Шўро ҳокимиятига қарши яширин ишлар олиб борган. Хўжаев ва Икромовлар билан тил бириктирган. Уларни халқ орасида мақтаб юрган. Ўзи қулоқ. Юқори идораларга суқилиб олган ҳолда иқтисодий кўпорувчилик билан шуғулланган. Яширин ташкилот тузиб, Шўро ҳокимиятини ағдариш пайида бўлган. Қуролли қўзғолон тайёрлаган...» ва ҳоказо.

Қамоқдан Т. Неъматов нола билан кўп жойга хат йўллайди. Ана шундай мактублардан бири чой қоғозга битилган бўлиб, Ўзбекистон ССЖ Олий Судининг раиси Саидовнинг қўлига тушади. Ҳуқуқшунос уни айблашда шошма-шошарлик қилинганлиги ва ишни қайтадан чуқурроқ ўрганиш керак, деган қарорга келади. Неъматовни қайтариб келтириш учун хатлар жўнатилади. Аммо.. Магадан, Хабаровск, Владивосток ва ниҳоят Находка, Ногаево деган жойлардаги қамоқ лагерларида азоб кўрган Теша оғир хасталикка чалинган эди. У сўнгги бор панжара ортидан Бухоро тарафларга кўз тикиб, 1940 йил 10 июлда Ногаево қамоқхонасида бандаликни бажо келтиради.

Хуллас, шундай қилиб, унинг пуфлаб семиртирилган жиноий иши қайта кўрилмасдан қолади. Чунки бир парча қоғозда вафоти ҳақида хабар келгач, иш бутунлай ёпилиб, архивга ташлаб юборилганди. Яқинда унинг номи тўла оқланди. Т. Неъматовнинг давлат, халқ ва қонун олдида ҳеч қандай айби йўқлиги аниқланди.

Ҳужжатгоҳда узоқ ётган ишни варақлар эканман, марҳумнинг бир неча мактубидаги қуйидаги сатрларга назар ташлайман: «Хотиним Ғаниева Турсуной менга турмушга чиқиб нима ҳам кўрди; 17 ёшида етим қолган қизимни «эга»сига топшириб, оқ фотиҳа беролмадим олти яшар ўғлимни соғиняпман»...

Ф. ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ССЖ прокурорининг ёрдамчиси, адлия катта маслаҳатчиси.

МУҲАРРИРИЯТДАН: мақола чоп этишга ҳозирланаётганда Қизилтепа ноҳиясидаги «Қизил тонг» рўзномаси муҳаррири мақола муаллифига хат йўллаб, Т. Неъматовнинг хотини бундан 14 йил олдин қазо қилганини, қизи Хосият Неъматова ҳозирда ҳаёт эканлигини ва ниҳоят ўғли Рустам ноҳия маиший бўлимида меҳнат қилишини маълум қилган.

Шунингдек, «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги ветеранлар кенгашининг қарори билан қишлоқдаги истироҳат боғига Теша Неъматов номи берилган.

Хушхабарлар

ТОШКЕНТДАГИ Чилонзор мавзесининг 31-даҳасида иккита уй фойдаланишга топширилди. Бу уйларга 138 оила — асосан «Алгоритм» заводи ходимларининг оилалари кўчиб кирди. Янги йил арафасида бу ерда маҳалла қўмитасининг биноси очилади. Ушбу бинода оилавий тантаналар ўтказиш учун мўлжалланган зал, новвойхона, чойхона, ижарахона жойлашган.

* * *

«ТЕХНОЛОГ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари Воронеж машинасозлари ишлаб чиқараётган дон тозалаш машинасининг пухталигини оширишга ёрдам бердилар. Улар бункер ғалвирини тозаловчи бўғинни такомиллаштирдилар. Бу янгилик ёрдамида энди дон бир меъёрида тозаланмоқда. «Воронежзерномаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига Тошкентдан такомиллаштирилган чўткаларнинг дастлабки туркуми жўнатилди.

* * *

ГУЛИСТОН пойабзал фабрикасида аёлларнинг модали этикчалари ишлаб чиқарила бошланди. Тажриба цехининг ходимлари тамомила янги модель ишлаб чиқдилар. Улар янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштириб олдилар. Ёш корхона танқис маҳсулотлар ишлаб чиқаришни муттасил ошириб бормоқда. Келаси йили корхона лойиҳада кўзда тутилган қувват билан ишлай бошлаши лозим.

* * *

ЗАРАФШОНДА «Бухоро тўқимачиси» ширкатининг филиали иш бошлади. Унинг асосий вазифаси ёшларни яхши ҳақ тўланадиган доимий иш билан таъминлашдан, бозорни халқ истеъмол моллари билан бойитишдан иборатдир. Бухоро ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида ташкил этилган ширкатнинг бу филиали ҳар йили 400-450 минг сўмлик тикувчилик буюмлари ишлаб чиқаради.

* * *

САМАРҚАНД вагон депосида ижтимоий дастурни амалга оширишга киришилди. Маъмурият ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарори билан энди оғир ишлар билан банд бўлган барча хотин-қизлар ҳар ойда пул тўланадиган қўшимча дам олиш кунига эга бўладилар. Бундан ташқари кечки ва тунги сменаларда ишлайдиган барча ходимлар бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Бу мақсадлар учун маблағ жамоа даромадидан ажратилди.

АВТОТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ДАСТУРИ

ЯНГИ ЙИЛ арафасида Андижондаги 2508-автоколонна ҳайдовчиларига янги уйларнинг калитлари тантанали вазиятда топширилди.

Транспортчилар ижтимоий дастурининг бандларидан бирида тўрт қаватли уйга одамларни кўчириш мўлжалланган эди. Автокорхона вилоят марказининг саноат зонасида жойлашган янги ҳудудга кўчиб ўтди. Бу ерда қисқа муддат ичида машиналар турадиган бостирмалар, маъмурий-маиший бино қад кўтарди. Хўжалик усулида ошхона ва чойхона қурилди.

Автоколонна жамоаси бу йил хўжалик ҳисобининг иккинчи андозаси асосида ишлади. Бу эса корхонага катта фойда олиш имконини берди. Бу пуллар моддий базани мустаҳкамлашга сарфланди, ижтимоий ривожланиш жамғармасига келиб қўшилди. Ўттиз нафардан ортиқ автомобилчининг эса ҳар бирига 500 сўм миқдорида беғараз ёрдам кўрсатилди.

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

ҚЎҚОНДАГИ «Электромаш» заводи меҳнаткашларининг янги йил байрам дастурхони тўкин-сочин бўлади. Янги гўшт, сабзавот маҳсулотлари, мевалар жамоа аъзоларига арзон нархларда сотилмоқда.

Бу маҳсулотларни эса корхона ёрдамчи хўжалигидан олиб келишмоқда. У ерда неча ўнлаб сигир боқилмоқда, сабзавот ва мевалардан юқори ҳосил олишмоқда, қишга ғамлаб қўйишмоқда. «Электромаш» жамоаси ёрдамчи хўжаликка қўлидан келганича кўмаклашмоқда. Бу ерда асосий ишлаб чиқаришдан олинган фойда ҳисобидан ёрдамчи бинолар қурилди, сув ва газ келтирилди. Чоғроқ дам олиш зонаси ҳам шу ерга жойлашган, ишчилар меҳнат отпускаси вақтида, оталиқдаги иккита мактабнинг ўқувчилари эса таътил кунларида бу ерга келиб, ҳордиқ чиқаришади.

Бозор муносабатларига ўтиш кам даромад олаётган кишиларнинг ҳамёнига зарар келтириши мумкин. Буни «Электромаш»дагилар яхши тушунадилар. Шу сабабли маъмурият ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарори билан имтиёзлар рўйхати тузиб чиқилди. Жумладан, заводда ишлаб, кейинчалик қарилик гаштини сураётган ва нафақаси 100 сўмдан кам бўлган кишиларга корхона қўшимча ҳақ тўламоқда.

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. «Тодор Живков амалга оширилган сиёсий жиноятлар учун сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олади», бироқ у «қонунни ҳеч қандай тарзда бузмаганлигига ва ҳукм қилинмаслиги кераклигига аминдир». БТА агентлигининг ҳабар беришича, Болгариянинг собиқ партия ва давлат раҳбари адвокати Даниела Доқовска Русенда чиқадиган «Утро» газетаси саҳифаларида ана шулар ҳақида ёзди.

Бундан илгари Болгария бош прокуратураси шу ойда Т. Живков ва мамлакат собиқ раҳбариятининг бошқа аъзоси Милко Балев иши юзасидан тайёрланган айблов хулосасини судга топширганлигини маълум қилган эди. Улар хизмат мавқеини суиистеъмол қилганликда, катта миқдордаги пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўзлаштирганликда ва сарфлаганликда айбландилар.

БУДАПЕШТ. Давлат чегарасини бузаётган ўн кишидан камида биттаси маҳаллий чегарачилар билан нохуш учрашувни четлаб ўтиб, Венгрия ҳудудига яширин равишда суқилиб киришга муваффақ бўлмоқда. Кейинги ойларда Венгрия расмий ҳисоботи маълумотларида ана шундай манзара намоён бўлмоқда.

Табиийки, ишларнинг бундай аҳволи Венгриянинг ваколатли идоралари олдига давлат чегарасини қўриқлаш тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш заруратини қўйди. Мана шу қонун ҳужжатининг қоидаларидан бирида Венгрияда қўшинларнинг янги турини — чегарани қўриқлаш хизматини тузиш кўзда тутилган. Бундай хизмат яшил чегарани назорат қилишдан ташқари маъмурий вазифаларни бажаради, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади ва ҳатто атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

Мамлакатга яширин тарзда келишнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар Венгрияда шу йил октябрь ойининг бошларидан бери ўтказилмоқда. Ваколатли идораларнинг маълумотига кўра, шу давр ичида одамларни чет эллардан мамлакатга яширин тарзда юбориш билан шуғулланган кишилар ўз фаолиятини тўхтатдилар. Айни пайтда Венгриянинг чегара-назорат жойларидаги аҳвол ҳам барқарорлашди. Маълумки, шу йилнинг ноябрь ойи охиригача 62 та мамлакатдан 13 минг киши мамлакат ҳудудига яширин тарзда киришга уринган.

МАДРИД. Биз ССЖИда рўй бераётган воқеаларни зўр эътибор билан кузатиб турибмиз, — деди Испания ташқи ишлар вазири Франсиско Фернандес Ордоньес. У Испания миллий радиосининг мухбири билан суҳбатда ҳукумат раиси Фелипе Гонсалес ССЖИ Президенти Михаил Горбачевнинг яқинда мамлакатга қилган ташрифи муносабати билан Мадридда Испаниянинг Совет Иттифоқига нисбатан тутган йўлини аниқ-равшан ифодалаб берди. Европа Кенгашининг Римда ўтказилган олий даражадаги сессиясининг қарори ҳам ана шу йўлга мос келади. Демак, ҳамма хавф-хатар олдида ғоят эҳтиёт бўлиши, Совет Иттифоқини қўллаб-қувватлаши керак. Бундай хавф-хатар исталган пайтда инқирозга олиб келиши мумкин.

Совет Иттифоқида рўй бераётган воқеалар бизларга дахлдордир, биз ҳаммамиз вазият барқарор ривожланишига кўмаклашишимиз зарур, деган фикр бутун дунёда қўллаб-қувватланмоқда, деди Ордоньес. Умид қиламизки, ССЖИ ўз олдида турган катта қийинчиликларни аста-секин бартараф эта олади. Биз бу қийинчиликларни тушуниб турибмиз ва дунёдаги барча кишилар ана шу қийинчиликларни ҳал этишга кўмаклашишни истамоқда.

НЬЮ-ЙОРК. 50 тадан кўпроқ мамлакатдаги 500 дан ортиқ фирма Ироқ Қувайтга бостириб кирганлиги муносабати билан унга қарши жорий этилган халқаро тақиқни бузишга уринган. «Ньюсуик» ойномасининг маълум қилишича, Германия ва Иордания фирмалари ана шу рўйхатнинг бошида турибди.

Разведка маълумотларига асосланиб хабар берилишича, Ироқ Ливандан жанговар техника учун эҳтиёт қисмлар олмоқда. Ливан эса уларни Сурия орқали юбормоқда.

Бундан ташқари АҚШ миллий хавфсизлик агентлигининг маълум қилишича, Бағдодга Иорданиянинг Ироқ манфаатларини ифодалайдиган компанияси орқали зарур моллар юборишни илтимос қилиб, Оврупо фирмалари номига юборилган бир қанча махфий йўлланмалари аниқланди.

Форс кўрфази ҳудудида Ироқ ва АҚШ, унинг иттифоқчилари ўртасида зиддият авж олмоқда. Ҳали у томон, ҳали бу томон жазирама чўлда ҳарбий машқлар ўтказаётир.

СУРАТДА: керак бўлса курашишдан чекинмайдиган ироқлик аскарлар Саддам Ҳусайннинг фикрларини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўраётирлар.

. КАМЕРА—ПРЕСС — ТАСС сурати.



ИСКАНДАРИЯДА ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

ҚОҲИРА, 24 декабрь. (ТАСС мухбири Владимир Ефремов). Мисрдаги Искандария шаҳрида яшовчи икки оила мулк можаросида ҳақиқатни аниқлаш учун тўппончалар, ёнувчи аралашма солинган шишалар, динамит шашкалар, шамширлар, пичоқлар ва бошқа совуқ қуроллардан фойдаланди.

«Ал вафд» рўзномасининг бугун хабар қилишича, можаро Хишом Муҳаммад Салом тўдасининг айби билан чиққан. Порт атрофидаги жойларда донг чиқарган бу қорадорифуруш ҳеч қандай асоссиз равишда Муҳаммад Габер Абдул Манам уруғидан бир қанча биноларни бўшатиб беришни талаб қилган. Даҳанаки жанг билан иш битиролмаган жанжалкаш бошқа қорадорифурушларни, нима қилишини билмай сандироқлаб юрган ишсизларни ёрдамга жалб этди.

Хишом Муҳаммад Салом уларни юқорида санаб ўтилган жанговар воситалар билан қуроллантириб, ўз «қўшин»ини уйларга ҳужумга ташлади. Уйларнинг ҳимоячилари эшикларни тамбалаб, ҳимояга ўтишган эди. Ҳужумчилар бир неча уйни ёндириб юборишди, эшикларни портлатишди. Ҳар икки томон қуролларни ишга солди. Чинакам жанг бошланди. Бу жангни фақат полициянинг катта кучлари ёрдамида тўхтатишга муваффақ бўлинди. «Муносабатларни аниқлаб олиш» натижасида бир неча ўн киши ярадор ҳолда касалхоналарга жўнатилди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИНСОННИ ТИРИГИДА ЭСЛАЙЛИК

✦ МАЪЛУМКИ, машҳур кишилар исмини вафотидан кейингина абадийлаштириш одатга айланиб қолган. Италияда ушбу анъанадан воз кечишди. Шу йил Сплит шаҳрида ўтказилган марафонча югуриш бўйича Европа биринчилигида Желиндо Бордин ғолиб чиққанди. Сестриера шаҳри ҳокимларининг қарори билан шаҳар кўчаларидан бири унинг исми билан аталадиган бўлди. Палермо шаҳрида ҳам бу ғояни қўллаб-қувватлашди. 5000 ҳамда 10000 метрга югуриш бўйича Европа чемпиони Сальваторе Антибо номидаги кўча харитага киритилди. Ҳа, машҳур кишиларни тириклигида эъзозлашга нима етсин!

ҚОПЛОН ЭГАСИНИ ЎЛДИРДИ

✦ УЙДА ёввойи ҳайвонларни боқиш расм бўлиб қолган. Аммо неаполлик бир кишига бу ишқибозлик жуда ҳам қимматга тушди. Полициянинг хабарига кўра, нимадандир ғазабланган қоплон ўз хўжайинини ўлдирган ва кўчага чиқиб, бошқа бинога кириб кетган. Тезда чақирилган полициячилар ҳайвонни кўздан ёш оқизадиган газ ёрдамида бинодан ҳайдаб чиқариб, отиб ташлашди. Бу воқеадан кейин ёввойи жониворларни муҳофаза этиш Жаҳон фондининг Италия бўлими парламентга мурожаат этиб, хавфли ҳайвонларни уйда боқишни тақиқловчи қонун қабул қилишни таклиф этди.

УЧТА ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

✦ РОЛИКДА УЧИШ кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Спортнинг бу тури бўйича биринчи Оврупа мусобақаси 1967 йили ўтказилганди. Инцеле шаҳрида бўлиб ўтган бу йилги беллашувда қитъанинг турли мамлакатларидан 500 дан ортиқ киши қатнашди. Германиялик Анна Титце рақибларини доғда қолдириб, учта олтин медални қўлга киритди. «Спортнинг бу турини жуда ҳам севаман», — дейди Анна, — худди велосипедда учгандек шамолдек еласан, коньки учувчилар каби ҳаракат қиласан, соатига 40 километр! Ахир бу мазаку!

Савол - жавоб натижалари

ТОКИО. Япония аҳолисининг деярли ярми мамлакат атом электростанцияларини етарли даражада хавфсиз эмас, деб ҳисобламоқда. Сентябрь ойида Бош вазир маҳкамаси ўтказган умуммиллий савол-жавобнинг якшанба куни эълон қилинган натижалари ана шундан далолат беради.

Атом станцияларида электр энергия ҳосил қилинишидан ташвиш чекаётган кишилар 90,2 фоизни ташкил этди. Бу ўтган йилги савол-жавоб чоғида қайд этилган шундай кўрсаткичдан 4,3 фоиз кўпдир. Мухбирларнинг 46,8 фоизи Япония атом электростанциялари етарли даражада хавфсиз эмаслигини айтди.

Шу билан бирга фикри сўралган кишиларнинг 43,8 фоизи Япония атом электростанциялари хавфсиздир, деб ҳисобламоқда. Савол-жавобда қатнашган кишиларнинг 64,5 фоизи эса атом станциялари энергияга талаб кучайган шароитда зарур деган фикрни айтди. Савол-жавоб қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи ядро реакторлари XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги мобайнида электр энергиясининг асосий манбаи бўлади, деди.

Ҳукуматнинг ўтган жума куни эълон қилинган 1990 йилда атом энергетикасига оид «Оқ китоби»да Япония атом электростанциялари мамлакатда улар хавфсизлигига нисбатан кескин талаблар қўйилаётганлиги туфайли ғоят ишончли эканлиги айтилади. Ҳужжатда Япония АЭСларининг 100 мингтасидан бирида жиддий авария юз бериши мумкинлиги айтилади. Ваҳоланки, масалани АҚШда бундай кўрсаткич 10 мингтадан бирига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда, деб хабар беради Киодо ЦУ Син ахборот агентлиги, Японияда 38 та атом электростанцияси бўлиб, мамлакатда ҳосил қилинаётган электр энергиянинг 26 фоизи уларнинг улушига тўғри келади.

Ахлоқ мавзуида

ЖАСОРАТ ДЕЙИШ МУМКИНМИ?

Бу воқеани қишлоғимдагилар менга оддийгина ҳикоя қилиб беришди. Лекин бу баъзилар ўйлаганидек, бир четдан беларво қарайдиган оддий воқеа эмасди. Тўрт ёшида онасидан айрилиб қолганлигини камлик қилгандек, Сайфулло отадан ҳам бевақт жудо бўлди. Эндигина ҳарбий хизматдан қайтган йигит учун бу дард сарҳадсиз изтиробга айланди. Бир кун у ерда, бир куни бошқа жойда тунаб юрди. Навбатдаги оқшомни қаерда ўтказишни билмай қолган кезлари унинг кўнгли тўлиб кетар, ич-ичидан ўкинарди. Мактабда ўзига сабоқ берган меҳрибон ўқитувчиси Ибодат опа унга ўз уйидан жой бериб, етим бошини силамаганида, кўнгли қўйган қизи билан тўйини ўтказиб, уйли-жойли қилишда бош бўлмаганида кейинги ҳаётининг қандай кечиши номаълум эди.

Беихтиёр Ибодат опани учратгим келди. Меҳр-оқибат анқонинг уруғига айланаётган шу кунларда бу аёлнинг қийналиб қолган бир йигитга бунчалик меҳрибонлик, ғамхўрлик қилишининг боиси нимада?

Ўқитувчилар менга: «Ибодат опа ҳозиргина уйга кетдилар, истасангиз чақиртирайлик», — дейишди. Кўнмадим, овора қилгим келмади. Қолаверса, опанинг уйи мактабдан унчалик узоқ эмас экан.

Мени истараси иссиқ, нозиккина аёл қарши олди. Нима мақсадда келганимни эшитиб:

— Раҳмат синглим, овора бўлибсиз, — деди. — Бу менинг устозлик бурчим-ку! Қолаверса менинг ҳам фарзандларим бор, онаман ахир, қараб туролмадим.

Қани эди, ҳамма сиздек бўлса, дегим келди. Она деган муқаддас номни оёқ ости қилаётганлар ҳам кўп-да ҳозир! Жигарбандини болалар уйига ўз қўли билан топшириб, тирик етим қилаётганлар-чи?

Устозлик бурчим-ку, дейсиз-а, опажон! Ўзининг оналик бурчини унутганлар қаршингизда туриб бир лаҳзагина тингласа эди сизни! Қарши ноҳиясидаги Кожор қишлоқ шўроси ижроия қўмитасининг раиси Ғани ака Дониёров таъбири билан айтганда, Ибодат Аҳмедова ҳақиқий инсон, том маънода кўпчилик ибрат олса арзийдиган — мўътабар аёл!

— Бир ишни бошладими, охирига етказмасдан қўймайди, — дейди биз билан суҳбатда Ғани ака. — Доим кишилар ташвиши билан юради. Мактаб директорлигини тавсия қилдик, бош тортди. Аввал инсонларнинг ишончини оқлай, дейди.

Тиниб-тинчимас Ибодат опа Сайфуллони уйли-жойли қилишда анча-мунча қийинчиликларга дуч келди. Ҳар тугул уни тўғри тушунадиганлар топилди. Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги директори Умар Баҳромов, Қарши ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котибаси Марям Гелдиева, давлат хўжалиги комсомол ташкилотининг котиби Шерали Эргашевлар унга яқиндан ёрдам беришди. Директор тўй харажатларини деярли ўз зиммасига олди. Ғани ака эса келин-куёвга никоҳ узугини совға қилди. Қишлоқ аҳли ҳам четда турмади. Совға тарқасида, келин-куёвга саруполар, рўзғор буюмлари олиб чиқишди. Давлат хўжалиги маъмурияти, касаба уюшмаси қарори билан ёшлар учун ажратилган 7 сўтихли томорқаси бўлган икки хонали уй шарқона, шинамгина безатилди. Она ўз фарзандини уйлантириш учун нималар қилиши керак бўлса, Ибодат опа уларнинг барчасини бекаму-кўст бажарди. Тўй-тўйдек ўтди.

— Мақтаниш бўлса-да, айтай, — дейди она, — қишлоғимиз кишилари жуда аҳил яшашади. Шу ишга киришишдан олдин уларнинг қўллаб-қувватлашларига ишонгандим. Адашмаган эканман. Инсондан нима қолади? Яхшилик, меҳр-оқибат-да!

— Опа, икки ёшнинг бахтли яшаб кетишларига ишонасизми? — сўрайман беихтиёр.

— Бугун бир-бирини тушунолмай, кўнгилдагидек яшолмай ажралиб кетаётган, жиноятга қўл ураётган ёшларимиз анча-мунча. Бунга сабаб нима? Уларга ўз вақтида эътибор бермаётганлигимиз, ғамхўрлик кўрсатолмаётганлигимиз эмасмикин?

Дарвоқе, опа Сайфуллони, ўз ўғлидек, бағрига босмаганида нима бўларди? У қийинчилик чангалзорлари ичида йўлидан адашиб кетмасмиди? Адашиб кетарди!

Ота ўғлидан, ўғил отадан, онадан тонадиган, бировнинг бахти учун биров кафолат бермайдиган алғов-далғовли шу замонда она катта ҳиммат кўрсатди. Бу ҳимматни жасорат дейиш мумкинми? Мумкин!

Ташвишлари тотли бўлишини истаб она олдидан қайтар эканман, кишилар дарди учун бунчалар куюнган, елиб-югурган аёлга сажда қилгим келарди. Зеро, ҳаммадан ҳам бундай ҳиммат чиқмайди-да!

Ҳаловат СУЛТОНОВА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Қиз бола-да, онасининг йўлини тутди. Ҳозирги кунда оилани тебратиш анча-мунча мушкул. Битта-иккита кишининг топган-тутгани нимага ҳам етарди, дерсиз. Насиба опа қизи Ҳалимахоннинг уддабуронлиги, меҳнатсеварлиги, энг муҳими, тушуниб, англаб қўлтиғига кирганидан хурсанд. Қайси ишда, қайси соҳада бўлмасин, бахтини, иқболини топса бўлади. Она учун бундан ортиқ хурсандчилик йўқ.

Она-бола ҳамнафас, ҳамфикр. Қарамоғларидаги говмишларни вақтида парваришлашади. Топаётган-тутаётганлари ҳам шунга яраша бўлмоқда.



СУРАТДА: Ҳурмат белгиси одрени соҳибаси Насиба опа Маматқулова қизи Ҳалимахон билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҚИШЛОҚ ШАҲАРЛИК НИГОҲИДА

МЕҲР-ОҚИБАТ ҲАЛИ БОР

Ҳозирги пайтда қишлоқ ҳамда шаҳар болалари орасида жуда катта фарқ бор. Лекин биз шаҳарликлар қишлоқдаги тенгдошларимизнинг кийинишларидан, юриш-туришларидан куламиз. Уларни «замондан орқада қолганлар» деб атаймиз. Ваҳоланки, улар олижаноблиги, меҳнатсеварлиги билан биздан маълум даражада юқори турадилар. Мен буни бир мисол билан тасдиқламоқчиман. Қишлоқда менинг Ойдин деган жияним бор. У ҳозир ўн ёшда. Кичкина бўлишига қарамай рўзғорда ойисининг энг яқин ёрдамчиси: жажжи укаларини боғчадан олиб келади, товоқ-қошиқларни ювади, ҳовли супуради... Ойдин мактабда ҳам аъло ўқиши ва аъло хулқи билан ўқитувчиларга манзур бўлмоқда.

Мен шаҳар ҳамда қишлоқ болалари орасида яна бир фарқни англадим. Бу — меҳр-оқибат, муомала, одоб-ахлоқдир. Сиз бу сўзларни ўқиб ишонмасангиз керак, чунки ҳозир эл оғзидан «меҳр-оқибат йўқолди», «болалар ахлоқсиз бўлиб бораяптилар», деган сўзлар тушмаяпти. Агар сизнинг йўлингиз қишлоққа тушиб қолса, албатта у ернинг кексалари, ёшлари билан суҳбатда бўлинг. Бу суҳбат чоғида сиз «ёмби»ни топгандай бўласиз. Қишлоқликларнинг хушмуомалалиги, ширин сўзлигидан кўнглингиз тоғдай кўтарилади.

Қани, эди, биз шаҳарликлар, улар каби меҳр-оқибатли бўлолсак...

Дилдора РАҲИМБЕРДИЕВА.
Ғазалкент шаҳар 3-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Ҳамқишлоқлар

Атамалар бурчаги

МЕЪМОРЧИЛИККА ОИД СЎЗЛАР

Мен Марҳамат ноҳиясидаги Каттақўрғон қишлоғида яшайман. Рўзнома саҳифаларида бериб борилаётган атамаларни диққат билан ўқиб бораман. Меъморчиликка бўлган ҳавасим катта. Яқин-яқингача бу соҳада ишлатилган сўзлар бугун унутилди. Бир қанча меъморчиликка оид асарларни ўқиб чиқиб, ана шундай унутилган сўзларни қоғозга туширдим. Уларни муштарийлар ҳукмига ҳавола этишингизни сўрайман.

Алишер УММАТОВ.

1. Панно — даҳана, намоён.
2. Панель — изара. (уй ички деворининг пастки қисми).
3. Каркас — синч.
4. Штукатурка — лойкорлик, гилкорлик.
5. Ангоб — гилболта (оқ рангли сир).
6. Орнамент — гулнақш, кашта.
7. Навис — бостирма.
8. Асоси айлана шаклидаги бино — давра уй.
9. Тиск — исканжа
10. Цех — касаба.
11. Ёзувли даҳана (панно) — китоба (бинонинг пештоқида қўлланилади).
12. Бино шифтидаги лойкорлик ишлари — ламба
13. Прогон — муаллақ
14. Квадрат — мураббa
15. Схема, эскиз — мусавада
16. Сталактика — муқарнас, шарафа
17. Трамбовка — шиббалаш
18. Горбиль — пушта
19. Мойолика — парчин
20. Циркуль — паргор
21. Бинонинг умумий кўриниши — тарз (фасад)
22. Раппорт — тақсим — (чизилган нақш нарчасини қайтарилиши)
23. Усти ёпиқ бозор — тимбозор
24. Медальон — турунж
25. Дача — дала ҳовли, чорбоғ
26. Карниз — шарафа
27. Склад укладовка — қазноқ
28. Ферма — мол қўра, қўйқўра...
29. Бордюра — ҳошия.
30. Бино гумбазининг қобирғалари — ғаров.
31. Рисунок — қаламтасвир.
32. Живопись — рангтасвир.
33. Рационал — оқилоналик.
34. Принципиал — холисона — (лик)

«ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР»

Янгиер қишлоғида «замонавий уйлар» қурилиб, фойдаланишга топширилганда, қишлоқдошларимнинг қувончлари кўксига сиғмай қолганди. Лекин бу узоққа чўзилмади.

— Уйнинг нархи осмонда, — дейди «Москва» жамоа хўжалиги аъзоси, оддий кетмончи Ўрол Маматқулов. — Бунча пулни тўлагунча, белим синади. Мен болачақамни қайси маблағ ҳисобига боқаман.

Қайси хонадонга кирманг, ким билан гаплашманг, «замонавий уйлар»дан нолиб гапиришади. Ноҳия рўзномасида ҳам бу тўғрида танқидий мақола босилганди. Аммо ҳалигача ҳеч қандай натижа йўқ.

275-қурилиш бошлиғи Қурбон Жалиловдан уйларнинг сифатсиз қурилганлиги ҳақида сўраганимизда, зарда билан:

— У пайтларда мен бошқа жойда ишлардим. Уйларни ким қабул қилган бўлса, ўша жавоб берсин, — деди.

Р. ДАВЛАТОВ,
Қумқўрғон ноҳияси.

ЖАЗО ҚЎРИЛСИН...

Ҳамма яхши нарсанинг бир ёмон томони бор. Биздан унча узоқ бўлмаган бир қишлоқ газлаштирилган. Хонадонлардаги ўринсиз ёқиб қўйилаётган газлар ҳавони заҳарлаяпти. Яна хонадонларнинг кўпчилигида иссиқхоналар мавжуд. Бу иссиқхоналарда помидор, бодринг каби ёзги, кузги мевалар қишда ҳам етиштирилаверади. Бу иссиқхоналарнинг бўлиши, биринчидан, газнинг ўринсиз сарфланишига олиб келса, иккинчидан, уларда мазасиз, витаминсиз, одам тани учун зарарли бўлган помидор, бодринг каби маҳсулотлар етиштирилади. Бу кимлар учундир бойиш манбаи бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бундай «миришкор деҳқон»ларга қарши жазо қўрилишини таклиф қилар эдим. Ҳар бир мевани вақтида пишиб етилгани маъқул.

Танишларимдан бирининикига кириб келганимда ўғлини уришарди:

— Нега бодрингларидан узиб еб қўйдинг!

Йиғлаётган болага раҳмим келиб: «Қўйинг, битта-иккита егандир, ахир бозорда бодринг сотиб олаётган одамлар ҳам болаларига олади-ку!» десам, танишим: «Бодрингга ачинмайман, касал-пасал бўлиб қолмасин деб қўрқаман. Ахир, бунинг ҳаммаси дори-ку», — деди.

Мана бундай зарарли ишларга йўл бермаслик керак.

Дилмурод ШОКИРОВ,
Андижон ноҳияси К. Маркс номли давлат хўжалиги.

НЕГА ЛЕНИНСК?

Мен Унгут қишлоғидан Асакага келин бўлиб тушганман. Асака — шаҳарнинг тарихий номи, лекин у Ленинск деб юритилади. Буни қарангки, шу пайтга қадар мен «Ленинск шаҳрига кетаяпман» деган бирорта одамни учратмадим. Ҳамма оддий қилиб: «Йўл бўлсин, Асакагами?» деб қўя қолади. Ленинск номи фақат автобусларнинг пешоналари ва турли-туман ҳужжатлардагина сақланиб қолган, холос. Шундай экан, нега шаҳримиз ўзининг тарихий ва ҳамма осонгина талаффуз этишга ўрганган Асака номи билан қонуний равишда атала қолмайди! Наҳотки, бу масалани ечиш шунчалик мушкул бўлса. Хайриятки, бизнинг қишлоқ ўз қадимий номини ўзгартирмади. Унгут мен туғилмай туриб ҳам шундай номланган, бундан кейин ҳам ўзгармасин.

Адиба ХУДОЙНАЗАРОВА,
муаллима.

ДАЛА ШИЙПОНИДАГИ ФОЖИА

Ҳеч кутмаган, ҳатто ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган фожиа рўй берди. Эндигина тўрт ёшга қадам қўяётган қизалоқ далачилар учун овқат пиширлаётган қозонга тушиб кетди...

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 8-бригадаси дала шийпонида шу йил 15 сентябрь куни рўй берган бу фожиа ҳақида ҳикоя қилиш оғир. Ишонгиси келмайди кишининг. Орадан бир неча кун ўтгач, биз ҳам минг ўй билан ўша ерга бордик.

Таниш манзаралар. Бундан 15-20 йиллар муқаддам гуваладан қурилган дала шийпони. Эски хирмон. Эски сўри. Ундан сал нарида лойқа сув тўлдирилган, тахта тўсиқлари титилиб кетган ҳовуз. Ҳовуз атрофида кекса толлар. Шохларда беланчаклар. Икки аёл беланчакларнинг бирини қўйиб, бирини тебратишяпти, эски шолча устида ўтирган кир-чир болаларни овқатлантиришяпти. Бир аёл ҳовуз сувига термулганича боласини эмизяпти...

Дастлаб бригада бошлиғи Маҳаммадали Маҳкамов билан суҳбатлашдик. Гап айланиб бориб, бўлиб ўтган хунук ҳодисага тақалди. Қизалоқ тушиб кетган ўчоқ бошига бордик. Қуруқ ариқ ёнидаги дўнгликка қазилиб, анча вақт фойдаланиб келинган ўчоқ фалокатдан сўнг кўмиб ташланибди.

Аёллардан гап олиш осон бўлмади. Лекин кўзларида, сўзларида умри бевақт тугаган қизалоққа ва унинг бўзлаб қолган онасига нисбатан ачиниш ҳислари, ҳамдардлик сезилиб турар эди. Ўпкалари тўлиб, истаб-истамай ҳикоя қилиб беришди. Фожиа олдини олишга улгура олмаганликлари учун ҳамон ич-ичларидан ўртаниб, эзилиб юрганликларини фаҳмлаб олиш қийин эмас эди.

Хўш, фожиа қандай қилиб ва қандай тарзда содир бўлган?

...Ўша куни ҳам ҳаво яхши бўлган. Ақидахон Низомова тўрт ёшли қизчаси ва олти ойлик ўғилчасини олиб далага чиққан. У қайнонаси ўрнига ошпазлик қилаётган эди. Қайнонаси бўлмиш Ибодат опа эса, ҳарна бўлса-да оиламизга ёрдам, деб пахта тераётган эди. Ақидахон дўнгликка ўйиб қилинган ўчоққа қозонни осиб, ўт қалади. Ўғилчасини қозондан сал беридаги беланчакка солди. Қизчаси ҳам шу атрофда эди. Бир неча бор онаси ёнига келиб, у қилаётган ишга қизиқсиниб боқди. Соат 11.30 лар чамаси. Ақидахон тушлик овқатни тезлатиш учун шошилиб қолди. Ердан бир қаричча баланд бўлган қозонда билқиллаб қайнаётган сувга гуручни солиш учун тайёрлаб, ювишга тутинди. Бир муддат қозондан пича узоқлашиб, қизчасини эътибордан қочирди. Рўй беражак фожиани ким ҳам ўйлабди дейсиз!? Шунда тўсатдан қизчасининг қаттиқ чинқирганини эшитди. Нима воқеа рўй берганлигини кўрдию, бир лаҳза донг қотиб қолди. Юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Дод солганича қозон бошига келди. Жон алпозда қайнаб турган қозонга тушиб кетган қизчасини тортиб олди. Мажолсиз типирчилаётган юрак парчасини бағрига босди. Қизча, «аяжон, дадажон», деб йиғлаб, инграр эди. Она бечора ҳушини йўқотиб қўйди, кўзларидан ёш қуйилиб, уввос солиб йиғларди. Зудлик билан қизчани касалхонага олиб кетишди. Ҳамма даҳшатдан қотиб қолган эди...

Ноҳия марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири Адҳамжон Ботировнинг сўзлари кўнгилдаги қайғуни янада катталаштириб юборди. У бўлимга оғир аҳволда олиб келинган қизчани чуқур хўрсиниш билан эслади:

— Қайнаб турган қозонга тушиб кетган қизча танасининг қарийб 75-80 фоиз қисми куйган эди. Айтиш оғир, айрим ерлари ҳилвираб, пишиб қолай деган. Фақатгина юзи ва чап қўли куймаган эди, холос. Биз қизчанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилдик. Қизча тўрт соатча азоб тортди. Охири бўлмади...

Шу ерда бироз чекиниш қилайлик. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмай туриб, фалокат қурбони бўлган қизалоқнинг исми Қизлархон эди. Бундан 5 йилча муқаддам қурилган ёш оиланинг бош фарзанди. У туғилганида ота-онаси олам-олам қувонишган эди. Ҳавас билан унга жумҳуриятимизнинг машҳур паричеҳра раққосаси исмини қўйишган. Айтишларича, уни онаси Ибодат опа ниҳоятда яхши кўрган, ардоқлаган, бағридан қўймай катта қилаётган эди.

Кўнгилга нелар келмайди дейсиз?! Ўша куни мурғак қизалоқ нималарни ўйлаган экан? Қовжираб нималар деганикин? Минг афсус, буни ҳеч қачон билолмаймиз. У ўзи билан бирга кўз очмаган орзуларини ҳам, туғилганида ота-онасига ҳадя этган қувончларини ҳам олиб кетди. Уни кўрганида қувнаб, шодлана-шодлана қиқирлайдиган укаси Алишер опасиз бўлиб қолди. Энди унинг беланчагини тебратадиган, ўзича аллалар айтадиган меҳрибон опачаси ҳеч қачон қайтиб келмайди...

Сабабсиз оқибат бўлмайди, деб ўргатишган бизга. Бу — жамиятимизга хос бўлган иллат — қишлоқ одамларининг яшаш ва ишлаш шароитлари оғирлиги-ю, турмуш тарзининг ночорлигидир. Агарда Қизлархоннинг онаси ҳар томонлама кам-кўстсиз бўлганида, тирикчилигини яхшилаш мақсадида 6 ойлик боласи билан далага чиқмаган бўларди. Биз ҳам Қизлархонни олиб кетган фожиани тафтиш қилиб ўтирмаган бўлардик.

Сезяпсизми, кейинги вақтларда фарзандларимизни фожиалар ўраб оляпти. Кун ора болалар ўлими. Биз, катталар эса бундай фожиаларнинг олдини олиш ўрнига, фақат унинг сабабларини ковлаштиришга одатландик. Эртага яна шундай фожиалар рўй бермайди, деб ким кафолат беради?! Болаларимиз тақдирига ҳушёррок бўлайлик, ахир!..


Холисанилло айтганда, нотекис йўлда бораётган ёғоч аравага ўхшайдиган замон фарзанди, эндигина тўрт ёшни қоралаб бораётган Қизлархон лоқайдлигимиз қурбони бўлди. Келажак пойдеворининг бир чети билинар-билинмас уқаланиб тушди. Биз, келажакни унутаёзган, келажак олдида гуноҳларга ботаётган катталар парвомизга келтирмай бемалол яшаяпмиз. Энг катта фожиа аслида шу!

Мухлис ЖЎРАБОЕВ,
Олтиариқ ноҳияси.

БУ ҲАМ ХЎЖАСИЗЛИК ЭМАСМИ?

Мана бу суратларга боқинг. Ҳа, бу ўша Ғурумсарой, ўз даврида такрор-такрор тилга олинган, кўкларга кўтарилиб мақталган қишлоқ. Бугун-чи? Бугун унинг ночор аҳволини кўриб ачинасиз, куйинасиз. Бузилган, вайрона этилган, чала қолган биноларга кўзингиз тушиб, буларнинг айби не, дейсиз?..

1984 йили Ленин номли бирлашма тарқатилгач, унинг борлигини мусодара қилинди. Енгил машиналар, техникалар олиб кетилди. Ажойиб, муҳташам ўйингоҳ қаровсиз қолди. Бинолар... биноларнинг эса ҳолига маймунлар йиғлади. Йиллар ўтаяпти. Улар кундан-кунга хароб бўлиб бораяпти. Ота-боболаримизни бизга золим, феодал ўтган, деб таърифлашди. Лекин улар қолдирган санъат дурдоналари бизгача етиб келди. Ким санъатни тушунмас экан? Улармми, бизлармми? Бугун ҳаммаси очиқ-ойдин аён бўлаяпти.





Қишлоқ марказидаги қуббали бинони Одилов эмас, халқ усталари барпо этишганди. Жуда кўркам, муҳташам, ажойиб санъат даражасидаги бино эди. У ҳам хароба ҳолига келтирилди. Ҳаттоки, бино тепасидаги қубба олиб ташланди. Нима учун? Нима мақсадда? Ҳеч ким бу саволга аниқ жавоб беролмайди.


Айтишларича, тергов олиб борилаётганлиги сабабли бу биноларни таъмирлаш, чала қолганларини битказишнинг иложи йўқ эмиш. Халқ пешона тери билан топилган минг-минг маблағлар шу тарзда ҳавога совурилмоқда. Бу ҳам хўжасизлик эмасми?

Олимжон ТУХТАНАЗАРОВ,
Поп ноҳияси, Ғурумсарой қишлоғи.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ғурумсарой қишлоғининг бугунги ачинарли манзараси.

МУАЛЛИФ тасвирлари.



Саҳифани Тўлқин ҲАЙИТ тайёрлади.

ДАСАЕВ ҚАЕРДА ЎЙНАЯПТИ?


Бу ҳали номаълум. Чунки мухлислар эсида бўлса, ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилган репортажларнинг бирида шарҳловчи Ринат Дасаевни Москвада, шу куни эса стадионда ўтирганини айтганди. Лекин барибир Испаниянинг «Севилья» командаси билан тузилган шартнома йилнинг охирида тугаши керак эди-ку? У нега Москвага қайтиб келди? Бу қоронғу...

Аммо яқинда Бразилия матбуотида Дасаев ҳақида шов-шувлар тарқалди. У жаҳон футболининг юлдузи Пеле ва Гарринчалар Ватанига таклиф этилаётган биринчи шўро футболчиси эканлиги бу хабарларда алоҳида таъкидланган. Порту — Алегри шаҳрининг «Интернасъонал» клуби раҳбарлари Дасаев ўйнаган «Севилья» билан музокаралар олиб боришяпти. Агар иккала тараф ўзаро келишиб олишса, Ринат Дасаевга бир йиллик шартнома учун 250 минг доллар тўланар экан...

КРУТОВ-ЧИ?

Владимир Крутовни кўпчилик яхши танийди. Ажойиб шўро хоккейчиси. У ҳам хорижда. Лекин унинг ҳам иши «юришмади». Турли хил миш-мишлар, ваҳимали гаплар ҳам жонига тегди. Бир ёқда МХЛ (миллий хоккей лигаси)нинг «Кэнакс» командаси раҳбарлари ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб қийинчиликлар туғдираётгани ҳам. У Канадада яна икки йил ўйнаши керак эди. Ўтган мавсумда Крутов 61 та ўйинда қатнашиб, 11 та гол урган, 23 марта эса энг қулай имконият берган.

Хоккейчимиз бугун Цюрихга жўнайди. Швейцария командаларидан бири у билан шартнома имзолашга тайёр эканлигини билдирди. Лекин Крутов билан битта командада ўйнаган Ларионовнинг ҳам бошига шундай кунлар тушиши мумкинлигини у таассуф билан айтган. Уч йилга тузилган шартнома нима бўлади дерсиз. МХЛ хоккейчимизга бошқа команда излашга рухсат берди...



Халқ табобати

БИОТОК, БУ МЕҲР!

«Агар бир куч устун келиб, қирғинбарот бошланса, табиат бошқа бир кучни яратадики, токи ҳаётда мувозанат юзага келсин».

Ўшанда муаллимим айнан шундай демагандир, лекин ҳаётнинг шунақа қонунлари борлиги рост. Биз табиатни — она дедик. Едик, ичдик, улғайдик, вояга етгач эса ундан «нафақа» кутиб яшовчи болага айланиб қолаёздик. Нима бўлса бўлсин, ҳосил берса бўлгани қабилида иш тутдик. Момо еримизга озиқ ўрнида заҳар тутдик. Ўзимиз ҳам заҳарлана туриб яна нажотни ундан кутдик. Табиат бизнинг муқаррар ҳалокатимизни кутиб яшолмади. Инсоният дарди шунчалар улғайиб кетдики, унга одатдагидан бошқача табибу шифокорлар зарур бўлиб қолди. Энди у ўз эҳсонини инсон шаклида ҳузуримизга йўллади.

Аслида улар узоқ тарихли «неъмат» эди. Биз ютуқларимиздан ҳаволандик. Назаримизда замонавий тиббиёт ҳамма нарсага қодир-у халқ табобати эса бизни узоқ йиллар алдаб келган афсунга айланди. Кўз ўнгимизда табиблар, башоратчилар, дуогўйлар ҳақоратланди, улар қилаётган иш таъқиқлаб қўйилди.

Ҳаёт таомили баъзан ғалати. Сир тутилган нарса яна ҳам жозибали туюлади. Одамлар ўша «сеҳрли сандиқ»нинг «юмалоқ қулфи»га ўзларини уравердилар. Ва ниҳоят... қайта қуриш шарофатими, ҳарқалай боболар «сим-сим»и очилмоқда. Энди кўнглинг чопган кишига дардингни очасан.

Экстрасенслар ҳам кўпайиб кетаяпти, кимга ишонишингни ҳам билмайсан, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Ростда, кечагина бошқа иш қилиб юрган одам, бугун... Дардингни тўғри топса, қўл теккизмай даволаса, ишонмайман, дея олмас экансан.

Ҳар гал Аҳмаджон билан яқинроқ гаплашиш ниятида унинг ҳузурига бораману қилаётган ишини кузата-кузата қайтавераман. Саволларимга жавобни сеҳр соҳибининг одамларга бўлган муносабатидан, бармоқларининг ҳаракатидан олгандек бўламан.

Чунки бу йигитга дардини ишонганлар ҳам талайгина. Оғзидан бол томиб, ўз даволовчисини алқаб ўтирган отахон эътиборимни тортди.

— Барака топгур, Аҳмаджон бир ҳафта бизнинг Нишон ноҳиясида бўлиб, беморларни муолажа қилиб қайтди. Кампирим ва уч ўғлим ҳам даволанишди. Мен ишда эдим. Мана вақт топиб келдим. Дўланов Чўён, — таништирди ўзини отахон — бош чўпонман. Даволанаман, десам имтиёзларим кўп. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган чорвадор унвоним бор. Лекин Аҳмаджоннинг муолажа усули менга ёқди.

Мақолани мана бундай: у асли шофёр эди, дея бошлашим керакмиди. Яхшиси Аҳмаджоннинг ўзи сўзласин:

— Ишим ўзимга ёқарди. Кейинги пайтда нотайин касаллар тез-тез безовта қилар, шифокорлар ҳам аниқ фикр айтолмас, табиийки бу ҳол мени қийнарди. 1989 йили биоқувват соҳиби Элёр Холмуҳамедов ҳақида эшитиб қолдим. У киши мени даволабгина қолмай, мендаги хислатни шакллантиришда ёрдамини аямадилар. Дарвоқе, хизматни Читада ўтаганман. Хизматдошлар совуқдан нолишарди. Бир куни миямга ажойиб бир фикр келиб қолди. Уларга эркин, ёқимли, поэтик, бироз амирона оҳангда дедим: ўзларингни бўш қўйинглар! Хаёлингиздан ортиқча нарсаларни чиқариб ташланг, чиқариб ташланг! Сиз ўз чорбоғингиздасиз, боягина ўриб кетган жўхори пояларини бойлашга тутиндингиз. Қуёш ҳам ўчакишаётгандай елкаларингизни қиздиради ва ҳоказо... Ўртоқларим ўша сонияларда она юрт тафтини сезишганликларини айтишди. Биз шу тариқа тез-тез ўз диёримизга сайр этардик.

— Ўзингиз мустақил даволаган беморингизни эслайсизми?

— Ён қўшним — Мелиқўзи Давлатов ўпка касали билан оғриганди. Ўзимга қолса ботина олмасдим. Оёқ-қўли ҳам ишламай қолгандида. Ўғли билан дўстмиз. Илтимосини ерда қолдиролмадим. Сеанслар кутилганидан ҳам яхши бўлди. Мана шундан буён...

Ҳа, ўшандан буён Аҳмад Маматхўжаевга ажратилган мўъжазгина хона беморлардан бўшамайди.

«Бемор танасидаги дардни даволашни унинг руҳини тозалашдан бошлаш керак. Шундагина қилаётган ишимиз тез ва самарали кўчади», — дейди у.

Хона тор. Навбатга турганлар тоқатсизланади. Яна Аҳмаджонга юзландим.

— Наилож кўпчилик «ҳамкасблар»да шуям йўқ...

— Ноёб хислатли кишилар кўпайиб кетаяпти. Кун келиб, сизни беморларингиз унутиб қўйишларидан чўчимайсизми?

Аҳмаджон саволимга савол билан муносиб жавоб берди:

— Сиз кучли экстрасенсларни танийсиз, нечун бугун мен билан суҳбатлашаяпсиз? Демак, чўчимайман!

— Даволашни яна қандай янги усуллари устида ишлаяпсиз?

— Элёр Холмуҳамедов раҳбарлигида биз — шогирдлари расмга қараб даволаш усули устида иш олиб бораяпмиз. Бу усул, айниқса, чекка вилоятларда яшовчи фуқароларга қўл келади.

Шарқ халқ табобатининг ўрганилмай ётган ўнлаб, балки юзлаб усуллари борки, уларни одамларга қайтаришда халқнинг онгли ишончи керак, бизга.

— Беморлар кўпроқ қайси дардларидан фориғ бўлмоқдалар?

— Камқонлик, қон босими, жигар, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, буйрак касалликлари, оёқ-бел оғриқлари, шамоллаш ва ҳоказо.

Биоток, — бу ўзбекона айтганда — меҳр, деб тушунаман. Меҳр билан ишласак халқимизни йиллаб қийнаб келаётган кўпгина дардга шифо топса бўлади.

Меҳр. Истардимки, мақоладан ношуд журналистнинг эмас, ҳақиқий меҳр соҳибининг қайноқ нафаси уфуриб турса. Агар азиз муштарий, сўнгги сатрларни ўқиётиб, Аҳмаджонга нисбатан қалбингизда нимадир «жиз» этса, демак камина ношудлик касалидан фориғ бўлубман.

Қаноат БОЙХОН қизи,
Тошкент шаҳри.

ДОРУЛМУАЛЛИМНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Фарғона ўлкашунослик музейида вилоят дорилмуаллимининг 60 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Турли суратлар, ҳужжатлар, муаллимларнинг рисолалари, Фарғона водийсидаги шу биринчи олий ўқув юртининг вужудга келиши ва ривожланишини тасвирлайди.

Илмгоҳ муаллимлар тайёрлаш техникуми негизида ташкил этилган ва аввалбошда агропедагогика институти деб аталган. Унинг бешта бўлимида 166 талаба илм олган. Ўшанда атиги 22 нафар профессор ва муаллим бор эди. РСФСЖ Маориф халқ комиссарлиги томонидан Фарғонага ишга юборилган олимлар С. П. Дейнека, С. В. Аверинцев, Н. И. Леонов, Е. Е. Сиротинлар илмгоҳга асос солган эдилар. Кўргазманинг махсус бўлими уларнинг жумҳурият учун миллий муаллимлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади.

Илмгоҳни битириб чиқиб, фанга катта ҳисса қўшган академик А. М. Муҳаммадиевга, ўзбек адабиёти тарихига оид кўпгина асарлар муаллифи профессор А. И. Иброҳимовга ва бошқаларга кўргазманинг каттагина қисми бағишланган. Ҳозиргача қирқ уч мингдан кўпроқ ўқитувчи тайёрлаб берган илм масканининг ҳозирги қиёфаси ҳам батафсил тасвирланган. Ҳозир унинг тўққизта куллиётида етти мингдан кўпроқ талаба таълим олмоқда.

Талабаларнинг олий ўқув юрти кекса муаллимлари ва уни аввалги йилларда битириб чиққан кишилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ мухбири).

Ёшлар ижоди

Агар Ўзбекистонда машҳурлик рейтинги аниқланса, у албатта олдинги ўринлардан бирини эгалларди. У билан ёнма-ён юриб бўлмайди, дарров атрофдагилар ўраб олишади. Бир ҳайдовчи унга қарайман, деб машинаси билан ариққа тушиб кетишига оз қолганининг гувоҳи бўлганман.

Сиз уни танийсиз. Соат ШАРИПОВ.

На унвони, на ёрлиқлари бор, бу санъаткорнинг. Аммо одамлар орасида машҳурлиги...

— Соат ака, янглишмасам, мен сизни ойнаи жаҳонда биринчи марта аскар кийимида кўрганман. Ушанда ҳиндча қўшиқ айтгандингизми-ей...

— Ҳа-а. Бу 1976 йилдаги гап. Аслида 1974 йилда илк бор экранга чиққанман. Ўша пайтлари «Қўшиқларда қиз қалби» деган кўрсатув бўларди. Бир куни кўрсатув режиссёри олдига бориб «Бошловчилик жону-дилим. Бир синаб кўринглар, агар маъқул келмасам, орқамга буриламан-да, чиқиб кетавераман», дедим.

Маъқул бўлдим шекилли, бошловчилик қилишимга рухсат беришди. Шу-шу бир оёғим ойнаи жаҳонда.

— Кечирасиз-у, маълумотингиз қандай! Бир қулоғимга чалинувди, олий билимгоҳдан ҳайдалган деб...

— Ё тавба... умуман қулоқ деган нарса ҳам ғалати-я, фақат нохуш хабарларни эшитади. Театр ва рассомлик санъати олий билимгоҳини имтиёзли диплом билан тугатганман. Ўқиб юрганимда Аброр Ҳидоятов номидаги стипендия олганман.

— Кейин-чи!

— Кейинми? Кейин Муқимий номидаги мусиқий театрга ишга юборишди. У ерда бироз ишладим. Олти ой бадалида бир марта ҳам саҳна юзини кўрмадим. Охири бор-е деб кетвордим. Шундан бери Чкалов номидаги Авиасозлар ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Парвоз» халқ ашула ва рақс ансамблида ўзбек драма ва миниатюра тўгараги раҳбари бўлиб ишлаб келаяпман.

— Кўпчилик сизни «Иқбол», кейинчалик «Қувноқлар ва зукколар» телеконкурсларининг бошловчиси сифатида танийди. Шулар ҳақида гаплашсак.

— 1983 йилда «Иқбол»ни бошладим. 1985 йилда эса ойнаи жаҳоннинг ўша пайтдаги раҳбари уни тўхтатиб қўйди.

— Нега!

— Қизиқ, менга тўйга борармишсиз дейишди. Кўрсатувга бунинг нима дахли бор? Қолаверса, бирорта мард санъаткор борми — мен тўйга бормайман, дея оладиган. Қимирлаган ўзбек борки, уй қилай, тўй қилай, дейди. Мана, яқинда Избоскандан бир киши келди. «Яхши ният билан ўғлимга Соат деб исм қўйгандим. Шунга тўй қилмоқчийдик...» деди. Қани айтинг, шу одамнинг раъйини қайтариб бўладими?

Хуллас, бир ярим йил экранга йўлатмай қўйишди.

— «Қувноқлар ва зукколар»га нима бўлди? Орада бир муддат тўхтаб қолдими!

— Тўғрисини айтсам, у ҳар гал эфирга жуда қийинчилик билан чиқарди. Очиғи, бу кўрсатув ўзимни ҳам чарчатди. У ёқдан бу ёққа чопиш, ташкилий ғалвалар, миш-мишлар, шивир-шивирлару, ошкора «оёқдан чалиш»лар жонга тегди. Устига-устак ҳар конкурсдан кейин ютқазган команда мени сотқинга чиқариши, шикоятлар, аризалар, туҳматлар. Буларга ҳам чидаса бўлади, агар ойнаи жаҳондаги ўртоқлар далда беришса. Афсуски... Биласизми, менга кимлар ёқади? Ҳайдовчилар. Йўлда бирор хатар сезишса, чироқларини ёқиб огоҳ қилишади. Қани энди биз ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, мадад бўлиб яшасак. Аминманки, шунда ҳаётимиз бундан ҳам тўкинроқ бўларди...

Айримларга бу кўрсатув унча хуш келмайди. Тўғриси, баъзан мен ҳам у ёки бу галгисидан қониқмайман. Лекин ҳеч маҳал уни батамом тўхтатиш керак, деб ўйламайман. Гапнинг лўндасини айтганда кейинги пайтларда табиатимизда бир қусур пайдо бўлди: нимадан сўз очилса, «Э, нима кераги бор, бу идорани ёпиш керак, мана бу ташкилотни эса тарқатиш лозим», дейдиган бўлиб қолдик.

Биз шу тариқа ҳамма нарсани, ҳатто энг муқаддас қадриятларимизни инкор этишга, барча эзгу илиқ муносабатлардан воз кечишга ўрганиб қолмаяпмизми!

Кўрсатувнинг мазмунини бойитиш, савиясини кўтариш тўғрисидаги эътирозларга шубҳасиз, мен ҳам қўшиламан.

— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Талабалар ҳақида яна қандай кўрсатув бор? Бутун олий билимгоҳ бир ёқадан бош чиқариб, берилиб тайёрлайдиган яна қандай кўрсатувни биласиз? Йўқ бунақаси. Кейинги пайтларда корхоналарда ишлайдиган ёшлар ўртасида ҳам бундай мусобақани ташкил қила бошлагандик. Биласизми, ўша корхоналарда иш унумдорлиги бирданига ўсиб кетганлигининг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Кўрсатув ёшларни бирлаштиришини, уларни дўстлаштиришини тан олмаслик ноинсофлик бўларди...

Бировларга унинг кўрсатувлар тайёрлаши, радиода қўшиқлари қўйилиши, ўз ансамбли билан концертлар бериши, учрашувларда қатнашиши ёқмайди. Аниқроғи, буларнинг барчаси тагидан «сирлироқ» бир маъно қидирилади. Майли, «сир» қидиравершсин, лекин уларнинг юрагини ўйнатадиган яна бир нарсани айтиб қўяй, у кейинги пайтларда қаламкашлик ҳам қила бошлади, ҳажвиялар ёзаяпти, кезган юртлари ҳақида сафарномалар қораламоқда...

Иш юзасидан кўпинча сафарларда бўламан, одамларнинг гапига қулоқ соламан. Гап айланиб ойнаи жаҳонимиз ҳақида борганда, албатта «Қувноқлар ва зукколар» тилга олинади. Кимдир яхши дейди, кимдир ёмон. Майли-да, муҳими, одамлар кўрсатувга бефарқ эмаслар.

Мен бу гапларни Соат Шариповни ҳимоя қилиш учун ёзаётганим йўқ. Зеро, у ҳимояга муҳтож ҳам эмас, оқловчи талаб этадиган гуноҳ ҳам қилмаган. Мен у ҳақда эмас, унинг ҳаётимизнинг муҳим бўлагига айланган ойнаи жаҳон томошаларини мудраб эмас, ҳаяжон билан кузатиш учун уринаётган саъйи-ҳаракатлари ҳақида гапираяпман.

Кўпларга унинг саҳнада ўзини ҳаддан зиёд эркин тутиши, ўйинга тушишлари унча ёқмайди. Лекин мана шу жараённи бевосита ойнаи жаҳонга ёзиб олиш пайтида залда бўлсангиз, аминманки, юқоридаги фикрлар хаёлингизга ҳам келмаган бўларди. Чунки ойнаи жаҳон орқали томоша қилиш пайтида барибир залдаги ҳис-ҳаяжон, кўтаринкилик тўлалигича сизга етиб бормайди.

Биз кўпроқ бошловчилар жиддий қиёфада бўлиб, мажлиснамо кўрсатувлар олиб боришини ёқтирамиз. Ҳам давраси олиб бориб, ҳам қўшиқ айтиб, ҳам рақсга тушувчи бошловчиларга ҳали-ҳануз ўрганолганимиз йўқ.

Баъзан-баъзан «уни умуман ойнаи жаҳонга чиқармаслик керак» деган гапларни эшитиб қоламан. Ҳар кимнинг таъби ҳар хил. Бир нарса дейиш қийин. Лекин биз айтганимдек, сафарларда бўлганимда, айниқса, қишлоқ жойларда унинг кўрсатувларини «михланиб» кўриб ўтирганликларини жуда-жуда кўп учратганман. Шундай пайтда хаёлимдан қуйидаги фикр ўтади: бир умр ойнаи жаҳонда ишлаб бир марта юракни «жиз» эткизадиган кўрсатув қилмаганлар қанча? Лекин ҳеч ким уларнинг муштумини «пишт» демайди. Чунки бир қолипдаги ўртамиёна кўрсатувларга ўрганиб қолганмиз. Дидимиз ўтмаслашиб қолганми-ей...

Соат Шарипов бунақага ўрганмаган. У доимо, гарчи айрим пайтларда эриша олмаса-да, янгилик қилиш илинжида чопиб юради. Баъзан бунинг уддасидан чиқади, баъзан йўқ. Лекин энг ёмони, биз «савиясиз» деган кўрсатувида ҳам у нимадир янгилик, кичкинагина бўлса-да ўзига хос лавҳа тайёрлайди. Буни эса тан олиш керак.

— Хўп, бу кўрсатув сизни ҳам чарчатибди, дейлик, унда энди «Алвидо ойнаи жаҳонми!».

— Асло. Усиз яшолмасам керак. Ким қандай тушунади билмадим-у, лекин мен ўрганиб қолганман. Ҳали сизгаям айтмайман. Яна бир қизиқ кўрсатув устида иш олиб бораяпман. Худо хоҳласа янги йилда экранга чиқса ажабмас. Ҳали дилимда ниятларим кўп...

Аҳрор АҲМЕДОВ.



ТИНИБ-ТИНЧИМАС ОДАМ

СОАТ ШАРИПОВ ИЖОДИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

СУРАТДА: Соат Шарипов **«Қизиқчи-90» конкурсининг қатнашчиси Достон Убайдуллаев билан «Пахтакор» ҳақидаги қўшиқни ижро этмоқда.**

Сурат муаллифи
Даврон АҲМАД.

27 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 12.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм. 7-қисм (такрор.). 13.20 «Қандай қилиб тулкилар товуқлар билан дўстлашгани ҳақида». Мультфильм. 13.40 «Рақиблар». Бадиий фильм. («Ленфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Лайлаклар учиб келганда». Мультфильм. 18.30 «Амалий давра суҳбати». Қайта ишлаш корхоналарининг фаолияти ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Чорраҳа». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон давлат автомобиль назорат раҳбарларининг матбуот конференцияси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 8-қисм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

18.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.30 «Мулоқот-анжуман». 19.00 «Вақт». 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Нафосатга эзгулик билан боқиб». 20.35 «Барча дарёлар оқади». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Кинопанорама». Янги йил сони. 00.10 «ТСН». 00.25 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

● МТ II

17.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Ер киндиги». Телевизион ҳужжатли фильм (Фрунзе шаҳри). Ленинобод вилоятида миллатлараро муаммоларнинг ҳал этилиши тажрибасидан. 17.45 Ритмик гимнастика. 18.15 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...». 20.30 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 22.00 «20 декабрь». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. — «ВЧК». 23.05 Коллаж. 23.10 Фристайл бўйича жаҳон кубоги. Франциядан кўрсатилади. 23.40 «Золотой плёс». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва «Ёш ленинчи» рўзномаси жамоалари Тошкент вилояти деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг ўринбосари, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасининг собиқ ходими **Карим Иззатуллаевич МУҲИДДИНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ЯНГИЧА ҲАЁТ ШАРОИТЛАРИ

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ ВА ХАЙРИЯ

ЯНАГИ ЙИЛДА ССЖИ ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА 70 ЙИЛ ТЎЛАДИ. АНА ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИНИНГ РАИСИ НОДИР УМАРОВИЧ КАРИМОВДАН БАЪЗИ БИР САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШЛАРИНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИК.

— Нодир Умарович, аввало, биз суғурта системасидаги кўпсонли ходимлар армиясини бу қутлуғ сана билан табриклаймиз. Бутун ўтган давр мобайнида сизларнинг фаолиятингиз аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ва уни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишдан иборат бош мақсадга қаратилган эди.

— Мутлақо ҳаққоний гаплар. Суғурта шартномалари, биринчидан салмоқли пул маблағини жамғариб олишга имкон берса, иккинчидан бошингизга мушкул иш тушган пайтда пул ёрдами олишингизни ҳам таъминлайди.

— Марҳамат қилиб айтингчи, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар Давлат суғуртаси фаолиятига қандай таъсир кўрсатаётир?

— Ташкилотлар ва корхоналарнинг хўжалик ҳисобига ўтиши, аҳолининг ширкат ва хусусий меҳнат фаолиятининг ривожланиши уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш заруратини тақозо этади. Шу муносабат билан хўжалик ҳисобида ишлаётган давлат корхоналарининг мулкини суғурта қилиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ширкатлар ва фуқароларнинг мулкини суғурта қилиш каби суғурта турлари вужудга келди. Бундай турлардаги суғурта шартлари бўйича табиий офат, ҳалокатлар, бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган зиён ўрни қопланиши кўзда тутилган.

— Нодир Умарович, бироқ иқтисодий ўзгаришлардан ташқари, давримиз учун яна инсонлардаги ахлоқий маънавий куртакларнинг қайта дунёга келиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ва бугунги куннинг энг долзарб мавзуи ҳам — кўпчилик муҳтож бўлган шафқатлилик ва меҳрибонликдир.

— Давлат суғуртаси бу йўналишда улкан иш олиб бормоқда. Мен баъзи рақамларни келтириб ўтмоқчиман. Биз хайрия мақсадлари учун ўз маблағларимиз ҳисобидан салмоқли пул миқдорларини ўтказамиз. 1988 йилда — Арманистон зилзиласидан жабр кўрган аҳолига ёрдам учун 200 минг сўм, 1989 илда — Жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасига 3 минг сўм, 1990 йилда — Жумҳурият ижтимоий жамғармасига 3 миллион 160 минг сўм пул ўтказди.

— Шунингдек, «Матонат» спорт-соғломлаштириш клубига 27 минг сўм пул ўтказганингизни ҳам биламиз.

— Ҳа, Давлат суғуртаси «Меҳр-шафқат — 90» ногирон футболчилар турнирини ўтказишнинг асосий ҳомийси бўлиб қолди. Бунинг аҳамиятини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ахир ногиронлар билан спорт-соғломлаштириш ишини олиб бориш уларни тўлақонли ҳаётга қайтариш билан баравар-да. Яна қўшимча қилиб айтаманки, уларнинг 20 таси билан ҳаётни суғурта қилиш шартномалари тузилган.

— Давлат суғуртасининг хайрия фаолияти яна нималарда намоён бўлмоқда?

— Булар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф муҳофазаланган қатламларидан — болалар интернат муассасаларининг тарбияланувчилари ҳамда I ва II гуруҳ ногирони бўлиб қолган байналмилалчи-жангчилар фойдасига тузилган янги шартнома турларида яққол кўриниб турибди. Чунки ота-она қаровисиз, ҳимоясисиз қолган болаларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши айниқса қийин кечади. Ана шунда шартнома бўйича олинган пул маблағи уларга катта мадад бўлади. Бу маблағ 200 дан 1000 сўмгача бўлиши мумкин.

— Кимлар шартнома тузиши мумкин?

— Исталган фуқаро ва меҳнат жамоаси, масалан, Бўкадаги болалар мактаб-интернатининг тарбияланувчилари фойдасига «Ильич» жамоа хўжалиги, ноҳия Жамғармалар банки бўлинмалари ва Давлат суғуртаси нозирлигининг меҳнат жамоалари, шунингдек, Тошкент вилояти Давлат суғурта бошқармаси шартнома тузганлар. Ҳаммаси бўлиб, 1989 йилда ҳар бири 1000 сўмдан 52 та шартнома тузилди.

— Иложи бўлса, ҳарбий ҳаракатлар оқибатида I ва II гуруҳ ногирони бўлиб қолган байналмилалчи-жангчилар ҳаётини суғурта қилиш шартлари тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— 1989 йилда ишлаб чиқилган бу шартларда 1000 сўм миқдоридаги пулга шартнома тузиш мўлжалланган. Уларнинг амал қилиш муддати 3 ва 5 йил. Бундай шартномалар комсомол бригадалари, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва алоҳида фуқаролар томонидан тузилади. Бу йил 44 та байналмилалчи-жангчи суғурта қилдирилган.

— Истардикки, Давлат суғуртасининг янги бир муҳим эзгу иши тўғрисида гапириб берсангиз. Бу янги турлардан ташқари, ҳаётни суғурта қилишнинг янгича шартларини яъни корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари эвазига суғурта қилишни тавсия этмоқдасиз.

— Худди шундай. Корхоналар ўз ходимларининг фойдасига шарнома тузишлари (ва демакки, суғурта бадалларини тўлашлари) кўзда тутилмоқда, суғурта органлари эса ходимларга суғурта пулини тўлайдилар. Шундай қилиб, фуқароларнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш кўзда тутилади.

— Нодир Умарович, қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Ўйлаймизки, ўқувчиларимиз учун ҳам бу суҳбат фойдадан холи бўлмади.

Ўзбекистон ССЖ Давлат суғурта идораси.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28642.